Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 25-noyabr. Seshanba • 137-138 (31.885) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

**ОСТОНА, 24 ноябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 24 ноябрь куни расмий ташриф билан Остона шаҳрига келди.

Шу куннинг ўзида икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим масалалари, Марказий Осиё ва унинг атрофидаги вазият, шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз олий даражадаги ушбу мулоқотга Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олишнинг муҳим омили сифатида қарамоқда.

Ташрифнинг асосий воқеалари 25 ноябрга мўлжалланган. Президентлар тор доирада ва икки мамлакат делегациялари иштирокида музокаралар ўтказади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик ривожи нафақат узоқ истиқболга мўлжаллангани, балки бутун Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва фаровонлигига хизмат қилиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраб олган. 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома унинг асосини ташкил этади.

ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ



## Давлат бошқарувини демократлаштиришда

### *хотин-қизлар иштироки кенгайиб бормоқда*

**ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан Қуйи Чирчиқ туманида сайловларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Сўзга чиққанлар сайлов тўғрисидаги қонунчиликни сайловчиларга кенг тушунтиришди, партиямиз Сайловолди дастури асосий йўналишлари тўғрисида маълумот беришди.**

— Сайлов кампаниясининг тарғибот-ташвиқот босқичида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимини юксалтириш муҳим вазифалар сирасига киради, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири Гулшан Асатова.** — Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайлов кампаниясида яратилган барча ташкилий-ҳуқуқий имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда сайловга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Жойларда депутатликка номзоди кўрсатилган аёлларнинг сайловолди тарғиботини, сайловчилар билан учрашувларини юқори савияда ўтказиш борасида қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бу сайловларда юқори натижаларни қўлга киритишга асос бўлади, деб ўйлайман.

— Бугун жамиятнинг бирор соҳаси йўққи, унда хотин-қизларнинг иштироки бўлмаса, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Сайдивали Аҳмедов.** — Конституциямизнинг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар» деб белгиланган. Асосий Қонунимизда ўз аксини топган мазкур ҳуқуқий меъёр аёлларнинг давлат ҳокимияти бошқарувида ҳам фаол иштирок этишини таъминлашга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Биргина бу йилги сайловларда сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг 31,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам фикримизнинг исботидир. Биз эса бутун куч ва имкониятларимизни ишга солиб, ЎзХДПдан кўрсатилган депутатликка номзодлар, шу жумладан аёлларнинг кўпроқ сайланишига эришишимиз зарур.

Давра суҳбатида, шунингдек, сайлов кампанияси даврида фаол хотин-қизларимиз зиммасидаги вазифалар ҳам муҳокама этилди.

Тадбир сўнггида хотин-қизлар сайлов қонунчилиги бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Моҳинисо ФАРМОНОВА**




САЙЛОВ — 2014

## Сайлов участкалари

### *шай ҳолатга келтирилди*

Гулистон шаҳридаги сайлов участкаларида муҳим сиёсий жараён — сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилаяпти. Шаҳарда 25 сайлов участкаси ташкил этилган бўлиб, улар зарур техник ва сайлов қонунчилигига оид меъёрий ҳужжатлар ҳамда кўргазмали воситалар билан жиҳозланган. Навбатчилик ташкил қилиниб, сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилаяпти.




Гулистон шаҳридаги 16-умумтаълим мактабида жойлашган 19-сайлов участкасида сайловга тайёргарлик ишлари намунали йўлга қўйилган. Участкада сайловчилар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Она ва бола, тиббиёт хоналари зарур воситалар билан таъминланган.

— Сайлов участкамизда 2727 нафар фуқаро ўзи муносиб деб топган сиёсий партия вакилига овоз беради, — дейди сайлов участкаси раиси **Мавжуда Маматқулова.** — Биз сайловни юқори савияда ўтказиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Участкамизда шаҳар миқёсида турли семинар, учрашувлар ўтказилаяпти. Сайловчиларни қизиқтирган мавзуларда суҳбатлар ташкил қилаяпмиз. Бу эса уларнинг сиёсий-ҳуқуқий дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

**Ўктам АБДУЛЛАЕВ**

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

***Фарғона вилоятида 339 минг нафар ёш бу йил сайловда биринчи марта овоз беради. ЎзХДП вилоят кенгаши улар учун ташкил этаётган тадбирлар қизиқарли ўтмоқда. Ёшларнинг баҳс-мунозаралари, эркин фикр юритиш ва савол-жавоблар шуни кўрсатаяптики, улар мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеага катта қизиқиш, фаоллик билан ёндашмоқда.***



## «Менинг биринчи сайловим»

### *лойиҳаси доирасида ўтказилаётган тадбирларда ёшлар фаол иштирок этмоқда*

«Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ташкил этилган бу галги «Менинг биринчи сайловим» мавзусидаги семинар-тренинг ҳам ёшлар орасида умидли сиёсатчилар кўплигини кўрсатди. Унда олий ўқув юртлари талабалари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.

Семинар-тренингда дастлаб мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий ва ҳуқуқий тизим изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилгани, шу асосда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқлари амалга оширилаётгани тўғрисида маълумот бериб ўтилди.

— Биз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар 21 декабрь куни, тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши ҳақида батафсил маълумот олдик, — дейди **Қувасой иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Жўрабек Қодиров**. — Мен сайловда иштирок этиш ҳуқуқи айни чоғда катта масъулият эканини ҳам англадим. Чунки, қонун чиқарувчи ҳокимият бу — олий ҳокимият экан. У ерда кимлар ишлашини эса бизнинг овозимиз натижалари ҳал этади.

Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Шоҳрух Абдураҳмонов партиянинг янги Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берди.

Шу куни 15 нафар йигит-қизга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

— 2014 йил менинг ҳаётимда унутилмас воқеалар йили бўлиб қолмоқда, — дейди **Фарғона давлат университети талабаси Гулбаҳор Умарова.** — Биринчидан, бу йил мен илк бор сайловда иштирок этаман. Мана, бугун эса қўлимга ЎзХДПга аъзолик гувоҳномасини олдим. **Мен сайловда энди сўзсиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзодига овоз бераман!** Чунки, партиянинг ижтимоий ҳимоя тамойилларига йўғрилган Сайловолди дастурини тақдим қилган номзодлар келгусида ЎзХДПнинг эзгу мақсад ва ғояларини амалга оширишларига ишонаман.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлардаги

## САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

⇨ 2-3

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

**Жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш лозим**




www.uzbekistonovozi.uz

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлат ҳокимияти барча идораларининг аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича энг муҳим вазифаси — меҳнатга лаёқатли одамларни ишга жойлаштириш, аввало, ёшлар бандлигини таъминлашдан иборат бўлиши лозим, деб ҳисоблайди.*

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

⇨ 4-5-6-7

ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши томонидан фуқароларнинг сайлов жараёнидаги фаоллигини таъминлаш мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

*Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонида танишасиз.*



Ўзбекистон ХДП сайлов кампаниясига киришар экан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўпчилик ўринларни эгаллашни мақсад қилиб қўйган.

# Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлардаги

# САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси (кейинги ўринда Ўзбекистон ХДП деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари орқали ўзининг келгуси даврда амалга оширишни мўлжаллаган дастурий мақсад ва вазифаларини Ўзбекистон тараққиётининг бош стратегик мақсади — аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги вазифалардан келиб чиқиб белгилайди.

Мамлакатимизда ўтган 23 йилда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари иқтисодий ва демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратди.

Ушбу шароитларда мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократик модернизация қилишнинг янги босқичидаги устувор вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш Ўзбекистон ХДП фаолиятининг асосий стратегик йўналишига айланади. Устувор иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал қилиш жараёнига демократик механизмлардан самарали фойдаланиш орқали таъсир кўрсатиш — бу мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларга партиямиз дахлдорлигининг энг яхши амалий кўринишидир.

Ўзбекистон ХДП сайлов кампаниясига киришар экан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўпчилик ўринларни эгаллашни мақсад қилиб қўйган. Партия вакиллик демократияси механизмлари воситасида қонунларни қабул қилиш, давлат ҳокимияти ижроия органларини шакллантириш ва улар томонидан ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳамда тегишли вазифаларни амалга ошириш йўлларини белгилашда амалий таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлишни кўзда тутмоқда.

Партия, ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя каби халқ демократияси тамойилларига амал қилган ҳолда, давлат ҳокимиятининг сайланма органларида аҳолининг қуйидаги қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўяди. Булар:

— давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, шу жумладан пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, моддий ёрдам ва ижтимоий нафақага эҳтиёжманд кишилар;

— ижтимоий ёрдам ва ижтимоий муҳофаза билан шуғулланаётган бюджет ва бошқа ташкилотлар ходимлари, ижтимоий соҳанинг бошқа вакиллари;

— касбий малака, доимий иш жойи ва маошга эга бўлмаган, иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламлари.

Партия, шунингдек, бу инсонларнинг манфаати ва ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда барқарор ижтимоий тараққиёт ва ишончли ижтимоий кафолатлар яратилишидан манфаатдор бўлган бошқа кишиларнинг ҳам кўмагига таянади.

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА — ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИК

Ўзбекистон мустақил ривожланишининг дастлабки йилларида танлаб олинган тараққиёт ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш модели ўзини тўлиқ оқлади. Тараққиётнинг ўзбек модели асосини ташкил этувчи беш тамойилдан бири — кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровонлигини таъминлаш учун экани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон ХДП эришилган натижаларни юқори баҳолаб, келгусида ҳам мамлакатимизнинг ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, унинг кам таъминланган гуруҳлари турмуш даражасини яхшилаш учун фойдаланишга қаратилган стратегик йўналишни фаол қўллаб-қувватлайди. Шу мақсадда партия ўзининг барча ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари саъй-ҳаракатларини ушбу йўналишдаги амалий ишларда иштирок этишга қаратади.

Танланган йўлимизга кўра, бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган ва энг аввало жамият манфаатларига қаратилган бўлиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП учун иқтисодий ислоҳотларда асосий сиёсий устувор вазифа кўпчилик аҳоли, аввало, унинг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватланишга эҳтиёжманд қатламлари манфаатига йўналтирилган ижтимоий сиёсат юритиш орқали иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Ушбу кучли ижтимоий сиёсат қуйидагиларни таъминлаши лозим:

— меҳнатга лаёқатли аҳолининг муносиб ҳақ тўланадиган иш топишга интилишини қўллаб-қувватлаш, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини рағбатлантириш;

— мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта биринчи иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратиш;

— пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар, етим-есирлар ва аҳолининг меҳнат қила олмайдиган бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини вужудга келтириш.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларини танлашда давлатнинг асосий тартибга солувчилик ролини янада мустаҳкамлашни талаб этади, бу эса амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ижтимоий самарадорлигининг зарурий шарти ҳисобланади.

## БАНДЛИК СОҲАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ — ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ, ФУҚАРОЛАР УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ

Ўзбекистон ХДП мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган мақсадли чораларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Мақсадли давлат дастурлари асосида мазкур йўналишда амалга оширилаётган чоралар ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши, ички истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспортбоплигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Партия фикрича, аҳоли бандлиги соҳасидаги сиёсатни такомиллаштиришнинг устувор йўналиши банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини корхоналарда муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан самарали таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим. Уларнинг сирасига, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш соҳасининг юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги корхона ва ташкилотлар киради. Ушбу соҳаларга мамлакатимизда мавжуд бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шунингдек, партия, давлат ҳокимияти барча идораларининг аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича энг муҳим вазифаси — меҳнатга лаёқатли одамларни ишга жойлаштириш, аввало, ёшлар бандлигини таъминлашдан иборат бўлиши лозим, деб ҳисоблайди.

Партия келгусида ҳам аҳоли бандлиги ва янги иш ўринлари ташкил этиш дастурларининг асосий параметрларини ишлаб чиқишда фаол қатнашади ва уларнинг жойларда ижро этилиши устидан самарали парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини давом эттиради.

Ўзбекистон ХДП корхона ва иш берувчиларнинг тегишли ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежларига бириктирилиши ҳамда мунтазам ҳаракатдаги «коллеж-корхона» алоқаларининг йўлга қўйилишини қўллаб-қувватлайди.

Партиямиз ҳар бир туман ва шаҳар миқёсида коллеж битирувчиларининг мутахассислиги бўйича бандлигини таъминлашга қаратилган аниқ режаларни ишлаб чиқиш ва амалда ижро этиш борасидаги масъулиятни ошириш, шу билан бирга, ҳар бир битирувчининг истиқболдаги иш жойини аввалдан аниқлаш, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини мазкур иш ўринларида ўташларини таъминлаш лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ХДП, шунингдек, бандлик ва иш ўринлари яратиш ҳудудий дастурлари ва муайян тармоқлар талабига мувофиқ, олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаш дастуридан келиб чиқиб, яқин келажакда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ўз партия гуруҳлари орқали жойларда товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ўрта муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ташаббусини илгари суради.

Ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишилар бандлигини таъминлашнинг самарадорлигига эришиш мақсадида партия қуйидаги соҳаларда меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш ва такомиллаштириш лозим деб ҳисоблайди:

— меҳнатга лаёқатли аҳоли кўп бўлган ҳудудларда аҳолининг барқарор равишда етарли маош олиб туришини таъминлаш мақсадида саноат корхоналарини ривожлантириш ва янги иш ўринлари ташкил этишни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган махсус минтақавий жамғармаларни тузишни рағбатлантириш. Бунда ушбу тоифадаги одамларнинг маошлари уларнинг ижтимоий суғурта ва ёши бўйича нафақа билан таъминланганлиги даражасини кафолатланишига эришиш;

— «ишлаб чиқариш ипотекаси»ни ривожлантириш, яъни зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тижорат банкларининг инвестиция сармоялари ҳисобига модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, шу орқали барқарор иш ўринларини яратиш;

— корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар тайёрлаш амалиётини ривожлантириш. Бунда соҳа корхона ва ташкилотларининг ўқувчиларнинг юқори касбий малакасини кафолатловчи ишлаб-чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш борасидаги масъулиятини ошириш;

— касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўзлари мустақил равишда иш ўрнига эга бўлишларини таъминлаш, якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун уларга имтиёзли микрокредитлар бериш, ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишдаги мавжуд тўловлардан озод этиш йўли билан уларнинг бандлигини таъминлашни рағбатлантириш;

— бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асосларини такомиллаштириш, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий суғуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш.

Имкон доирасида меҳнат билан банд бўлишга ҳаракат қилаётган ногиронларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш мақсадида партия қуйидагиларга эришишга ҳаракат қилади:

— ногиронлар меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналарни ташкил этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, жумладан, ушбу мақсадда давлатнинг марказлашган сармоялари ҳисобидан бундай корхоналар тармоғини ривожлантириш чораларини кўриш;

— йирик корхоналарга касаначилик иш жойларини ташкил этиш бўйича мажбурий квоталар белгилаш орқали жисмоний имкониятлари чекланган шахслар (ногиронлар)ни касаначилик фаолиятига жалб қилишни кенгайтириш.

## КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда эришилган аҳолининг юқори ижтимоий таъминланганлик даражаси инсон фаровонлиги ва жамият ижтимоий барқарорлигининг мустаҳкам пойдеворидир. Партиянинг фикрича, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолиш орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган инсонларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон ХДП кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни тўлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини микрокредитлаш ва микромолиялаш тизимининг янада самарадорлигини ошириш ва ислоҳ қилиш тарафдоридир. Шу мақсадда партия келгуси даврда қуйидагиларни амалга оширишга қарор қилган:

— кам таъминланган оилалар аъзоларига ижтимоий нафақа тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш билан бирга муқобил асосда ўз ишини очиш учун уларга беғараз ссуда ва грант бериш институтини жорий қилиш йўли билан уларнинг тадбиркорлик фаоллигини давлат томонидан рағбатлантириш тизимининг меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритишга эришиш;

— фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг кам таъминланган аҳоли қатлами, биринчи навбатда ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш имкониятлари ва ҳуқуқларини кенгайтиришга кўмаклашиш. Ушбу мақсадларда партия келажакда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бюджетдан ташқари моддий ёрдам жамғармаларини шакллантириш бўйича ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга эришиш.

Партиямиз ўзининг маҳаллий ва бошланғич ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари орқали қуйидагиларни амалга оширади:

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари томонидан аҳолининг банд бўлмаган ва кам таъминланган қатламларини ўз ишини очиш ва бизнес юритиш кўникмаларига ўргатиш мақсадида тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун маслаҳат марказларини ташкил этишга оид қонунчиликда кўзда тутилган меъёрларни амалга оширишга кўмаклашиш;

— ижтимоий хизматлар, ташкил этилаётган маслаҳат марказлари мақбуллигини таъминлаш устидан, шунингдек, аҳолининг кам таминланган қатламлари ва ишга жойлашишда қийналаётган одамларнинг улардан фойдаланишлари учун тенг имкониятлар таъминланиши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш.

## СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СОҲАЛАРИ САМАРАЛИ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ, ПУЛ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДИР

Ўзбекистон ХДП юртимизда ижтимоий соҳани молиялаштиришга давлат бюджетининг салмоқли қисми сарфланаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган бюджет ва молия сиёсатининг муҳим ютуғи, деб ҳисоблайди.

Ушбу йўналишни қўллаб-қувватлаб, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган давлат бюджети даромадлари даражасини янада оширишни ёқлар экан, партия тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритаётган тадбиркорлар томонидан солиқ ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан давлат назорати механизмларини такомиллаштириш бўйича чораларни амалга оширишни таклиф этади.

Шунингдек, партия халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ўзининг партия гуруҳлари орқали меҳнат ва уруш фахрийлари пансионатлари, «Саховат», «Мурувват» ва «Меҳрибонлик» уйлари, ногирон болалар учун мактаб интернатларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш учун шароитлар яратиш ва ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва тегишли болалар муассасалари тарбияланувчиларининг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга йўналтирилаётган бюджет маблағларининг қатъий белгиланган мақсадлар учун самарали ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш ниятида.

Пул-кредит муносабатлари борасида партия қуйидаги масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий база ва тегишли ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга эришишни мўлжалламоқда:

— терминал тармоғи ва онлайн тўловлар тизимини янада кенгайтириш орқали аҳолининг нақд пулсиз тўлов воситаларига ишончини ошириш ва бундан уларнинг манфаатдорлигини кучайтириш бўйича қўшимча чоралар кўриш, аҳолига тўланадиган нақд пул ва пластик карталар асосидаги нақдсиз тўловлар ўртасидаги энг мақбул нисбатни таъминлашга эришиш;

— тегишли идоралар ва мансабдор шахсларнинг савдо тармоғи, шу жумладан, деҳқон бозорларида терминалларнинг узлуксиз ишлаши ва аҳолига пластик карточкалар ҳисоб рақамидаги маблағлар доирасида банкомат ёки банк кассалари орқали нақд пул маблағларининг бемалол берилиши учун масъулиятини ошириш;

— давлат ва жамиятнинг қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатламларига пенсия ва ижтимоий нафақаларни тўлашда банк пластик карточкаларига уларнинг истакларини инобатга олган ҳолда ўтказилиши ва уларни ўз вақтида берилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш.

## ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ИЧКИ ТАЛАБ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ривожланиш ижтимоий самарадорлигининг ишончли далилларидан бири аҳоли реал даромадларининг изчил ортишидир.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП келгуси даврда ҳам меҳнатга ҳақ тўлашни изчил ошириб бориш, шунингдек, солиқ базасини кенгайтириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш ва солиқ маъмурий бошқарувини яхшилаш ҳисобига жисмоний шахсларнинг, авваламбор, аҳолининг кам таъминланган қатламларининг даромадларига солинадиган солиқ ставкаларини босқичма-босқич пасайтириш сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Ушбу чоралар аҳолининг харид қобилиятини оширишга, демакки, ички талабнинг ортишига хизмат қилади. Бу эса иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва иқтисодиётнинг реал сектори ўсиш суръатларини изчил ошириб боришнинг мустаҳкам асоси ҳисобланади.

Мазкур чоралар, айниқса, меҳнатга паст ҳақ тўланадиган жойларда иш берувчилар ва ходимлар ўртасида очиқ меҳнат муносабатларини ўрнатишга, меҳнат ҳуқуқлари, ижтимоий ва бошқа кафолатларга амал қилинишини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ХДП, шунингдек, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини оширишни ҳам ёқлайди.

# Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлардаги

# САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

## ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МАҚБУЛЛИГИ

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган манзилли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири аҳоли, шу жумладан, унинг кам таъминланган қатламлари учун бирламчи эҳтиёж бўлган товар ва хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон ХДП бу масалада мустақил тараққиёт йилларида эришилган натижаларни юқори баҳолаб, ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматларга нархларнинг шаклланиши устидан давлат назорати самарадорлигини янада оширишни ёқлайди. Бундан кўзланган мақсад уларга бўлган нарх ва тарифлар ўсиши тегишли давлат қарорлари билан белгиланадиган ойлик маош, пенсия, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни ошириш кўрсаткичларидан ошмаслигини таъминлашдан иборат.

Шу мақсадда партия қуйидагиларга эришиш ниятида:

— минимал давлат ижтимоий стандартлари (бепул таълим, тиббий ёрдам, уй-жой таъминоти, ижтимоий нафақа ва бошқалар)ни белгилаш тартибини ишлаб чиқиш ва тегишли қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйиш;

— ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматлар бозорида устун мавқега эга (ҳукмрон) бўлган субъектларнинг монополистик фаолиятини чеклашга йўналтирилган монополияга қарши сиёсат самарадорлигини ошириш. Монопол корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нарх ва тарифларни ўрнатишда уларнинг кам таъминланган аҳоли қатламлари учун мақбуллигини таъминлашдаги давлат бошқарувини кучайтириш.

## УЙ-ЖОЙ ВА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР, ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИНИНГ МАҚБУЛЛИГИ

Мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиши борасида амалга оширилаётган стратегиянинг муҳим ижтимоий йўналиши аҳоли турмушининг сифатини оширишдир. Кейинги йилларда амалга оширилаётган қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуришга қаратилган кенг кўламли дастурлар аҳоли турмуши ва яшаш тарзига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу ишларни изчил давом эттириш билан бир қаторда, уй-жой-коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, бунинг учун зарур бўлган муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмани жадал тараққий топтириш зарур.

Ушбу вазифаларни ҳал қилишда эришилган натижалар ва олиб борилаётган ишлар аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларининг сифатли уй-жой шароитлари, ижтимоий инфратузилма билан таъминланганлик даражасини оширишга хизмат қилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон ХДП келгуси даврда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайди:

— давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари учун ижтимоий уй-жой фондини ташкил қилишнинг аниқ механизмларини яратиш;

— ногиронларнинг ижтимоий инфратузилмалар, шу жумладан, турар-жой ва жамоат бинолари, транспорт коммуникацияларидан бемалол фойдаланишлари учун шароитларни яхшилаш, шунингдек, аҳоли пунктлари, бино ва иншоотларни ногиронлар учун мослаштирган ҳолда лойиҳалаштириш;

— аҳолига хизмат кўрсатадиган транспорт тизимини, тежамкор ер усти транспорти турларини ривожлантириш учун инфратузилмани яхшилаш, шу жумладан, велосипед йўлакларини қуриш ва бошқа қулайликларни таъминлаш.

Коммунал хизматлар ва кўп қаватли уйларда турар жойдан фойдаланиш харажатлари нархларининг ижтимоий мақбуллик даражасини ошириш мақсадида партия қуйидагиларга эришишни кўзламоқда:

— тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматларни кўрсатишнинг арзон муқобил турларини ривожлантириш;

— табиий монополия субъектлари бўлган корхоналарнинг хизматлари (электр ва иссиқлик қуввати, газ таъминоти, ичимлик суви ва канализация хизматлари)га нарх ва тарифларни ўрнатишнинг иқтисодий асосланган аниқ мезонларини ишлаб чиқиш.

## АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ ЁРДАМ ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ МАҚБУЛЛИГИ ВА ЮҚОРИ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ

Соғлиқни сақлаш соҳасини изчил ислоҳ қилиш натижасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам ва хизмат кўрсатишнинг яхлит замонавий инфратузилмаси шакллантирилди. Уни ривожлантиришга йўналтирилаётган бюджет харажатлари йил сайин ортиб бормоқда.

Ўзбекистон ХДП бу стратегик йўналишни қўллаб-қувватлаган ҳолда аҳолига бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами ва мақбул тиббий хизмат кўрсатилишини янада кенгайтириш ва унинг сифатини оширишни муҳим йўналиш, деб ҳисоблайди.

Шу мақсадда партия ўзининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари орқали аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига малакали тиббиёт-санитария ёрдами ва асосий тиббий хизматларни бепул кўрсатиш билан боғлиқ тегишли қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилиши устидан тизимли депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш ниятида. Зарурат бўлган ҳолларда қуйидаги масалалар бўйича қўшимча чоралар кўрилишига интилади:

— биринчи тиббий ёрдамдан қулай ва тезкор фойдаланишни таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП), айниқса, олис қишлоқлар аҳолиси учун ҚВП тармоғини кенгайтириш;

— жисмоний имконияти чекланган кишилар ва бошқа айрим тоифаларга имтиёзли асосда бериладиган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар рўйхатини кенгайтириш;

— фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти, дори воситалари ва тиббий анжомларга нархларнинг қўйилиши устидан давлат назоратини кучайтириш, шунингдек, дори воситалари рекламасини чеклаш.

## МАҚБУЛ ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ҲАМДА МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР СОҲАДАГИ ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР УЧУН

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим соҳасини тубдан янгилаш ва ислоҳ қилиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Мамлакатимизда ёшларни умумтаълим ва касб тайёргарлигини таъминлашнинг замонавий модели амалга оширилган бўлиб, унинг воситасида ҳар томонлама баркамол ва мустақил фикрловчи, меҳнат бозорида талаб катта бўлган касбларни эгаллаган, қатъий фуқаролик позициясига эга ёшлар тарбияланмоқда.

Ўзбекистон ХДП сифатли таълим ва касб-ҳунар ўрганишнинг барча учун тенг, адолатли ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштиришни ёқлаш билан бир қаторда, қуйидагиларни муҳим, деб ҳисоблайди:

— жамиятнинг барча қатламларига эркин ва тенг таълим олиш имкониятларини яратиш мақсадида минтақалардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача, ўрта, ўрта-махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини олдиндан барпо этиш амалиётини янада ривожлантириш;

— бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим давлат муассасалари тармоғини кенгайтириш;

— кўп болали, кам таъминланган оилалардан бўлган ва тўлов-контракт асосида ўқаётган талабалар учун имтиёзли таълим кредитлари бериш;

— мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотларнинг ушбу корхоналар эҳтиёж сезган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юртларига грантлар ажратишларини қўшимча рағбатлантириш;

— ногирон болаларни зарур махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш ва соҳа ўқитувчиларига имтиёзлар жорий этиш, жисмоний имкониятлари чекланган (ногирон) талабаларнинг олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш;

— педагогик маълумотга эга, лекин бола тарбияси билан машғул бўлгани боис ишламайдиган аёлларнинг оилавий мактабгача таълим тарбиячиси сифатидаги уй меҳнатини ташкил этиш.

Маданий-гуманитар соҳада ижтимоий тенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш мақсадида партия қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш лозим, деб ҳисоблайди:

— кам таъминланган, барқарор даромадга эга бўлмаган оилалардан чиққан қобилиятли ҳамда истеъдодли болаларни эрта аниқлаш ва давлат грантлари ажратиш орқали қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш;

— мамлакат бўйлаб, айниқса, олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида аҳолининг кам таъминланган қатламларига мақбул бўлган ёш авлоднинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда спорт билан шуғулланиши учун мўлжалланган инфратузилмани янада ривожлантириш;

— ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини, айниқса, қиз болаларни спорт анжомлари ва кийимлари билан кенг таъминлаш.

## ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи ва жамиятдаги ўрнидан қатъий назар, ҳар бир инсонга унинг шахсий фазилатлари ва истеъдодини ривожлантириш, фуқаролик ва умуминсоний ҳуқуқларини амалга ошириш имконини берадиган зарур шароитларни яратиш Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим ижтимоий устувор йўналиши ҳисобланади.

Ушбу устувор йўналишга амал қилаётган Ўзбекистон ХДП аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий манфаатлари ва ҳаётий эҳтиёжларига оид давлат қонунлари ва бошқа қарорларини тайёрлаш ҳамда қабул қилишда очиқликни таъминлашни қўллаб-қувватлайди. Ушбу масалаларда партиямиз қуйидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблайди:

— ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқишда қонун нормаларининг бевосита таъсир этишига, яъни ҳавола нормаларсиз қабул қилинишига эришиш;

— аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва фуқароларнинг ижтимоий манфаатларига дахлдор бошқа масалаларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши мажбурийлигини белгилаш;

— мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда катта қизиқишга сабаб бўладиган масалалар бўйича қарор қабул қилишдан аввал ушбу масалалар юзасидан жамоатчилик маслаҳатлашувларини ўтказишнинг мажбурийлигини белгилаш. Бунда ҳукумат сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари билан, жойлардаги ҳокимликлар эса партияларнинг тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиши лозим.

Ўзбекистон ХДП келажакда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялараро рақобат механизмларини ривожлантиришни давом эттириш тарафдори. Ушбу мақсадларда партия парламентдаги мухолифат фаолияти кафолатларини мустаҳкамлашга интилади.

Шунингдек, партия ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент назорати институтини кучайтириш, жумладан, парламент томонидан янги тайинланган ҳукумат фаолияти дастурини маъқуллашнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу дастур бажарилиши тўғрисидаги йиллик ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан эшитиш амалиётини жорий қилиш тарафдори.

Партия ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш доирасида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг интерфаол давлат хизматлари ягона портали ва бошқа тегишли тармоқ ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминловчи, аҳолига қонунлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви вилоят, туман ва шаҳар идораларининг фуқаролар манфаатига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари матни билан танишиш имконини берадиган шохобчалар тармоғининг ташкил этилишига эришишга ҳаракат қилади.

Партия ўзининг ижтимоий ҳамкорлари — Республика «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, ногиронлар жамиятлари ва бошқа тузилмалар билан яқиндан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ниятида.

Суд-ҳуқуқ соҳасида партия фуқароларнинг, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламларининг, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш, хусусан, даъво аризалари киритилганда олинадиган давлат божи миқдорларини мақбуллаштиришни қўллаб-қувватлайди.

Партия суд ва суд процесси иштирокчилари ўртасида ўзаро самарали алоқа ўрнатилишини, жумладан, суд ҳужжатлари ва хабарномаларини етказишнинг замонавий услубларини жорий этиш орқали процессуал механизмларни такомиллаштириш лозим, деб ҳисоблайди.

Партия суд ҳокимияти самарадорлигининг асосий мезонларидан бири — суд қарорларининг сифатли ижросини таъминлаш, деб ҳисоблайди ва суд қарорлари бажарилиши устидан судларнинг назоратини кучайтиришга қаратилган қонунчилик ташаббусларини илгари суради.

## ЖАМИЯТДАГИ ИЖТИМОИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАСИ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

Ўзбекистон ХДП, ахборот хуружи хавфи ортиб бораётган ҳозирги шароитда унга қарши курашда жамиятнинг ижтимоий бирдамлигини кучайтириш жуда муҳим, деб ҳисоблайди.

Бизнингча, жамиятдаги барқарорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муаммоларни ўз вақтида самарали ҳал қилиш учун маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари томонидан жойларда ижтимоий-иқтисодий вазият ва партия электорати кайфиятининг тизимли мониторингини ташкил этиш лозим.

Ўзбекистон ХДП маҳаллий партия кенгашларида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналарининг иш самарадорлигини ошириш, йирик бошланғич партия ташкилотларида бундай қабулхоналар тармоқларини кенгайтириш ва уларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳлари билан ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўришни мақсад қилиб қўйган.

Партия ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, уларни очиқ, ошкора ва ижобий руҳда муҳокама қилиш, ўз вазифа ва бурчларини уддалай олмаётган давлат, хўжалик бошқаруви идоралари, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими раҳбарларини асосли танқид қилишни қўллаб-қувватлайди.

## ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ МУЛОҚОТ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИККА АСОСЛАНГАН ТАШҚИ СИЁСАТ УЧУН

Ўзбекистон ХДП дунёда содир бўлаётган мураккаб жараёнларни қайд этиб, қуйидагиларга йўналтирилган давлат ташқи сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди:

— мамлакатимиз миллий манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоялашни таъминлашга қодир ўзаро манфаатли давлатлараро алоқаларнинг мустаҳкам тизимини янада ривожлантириш;

— халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, куч ишлатиш ёки у билан таҳдид қилишдан воз кечиш;

— бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

— тинчликпарвар сиёсатни амалга ошириш ва ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик, ҳарбий-сиёсий блокка айлантирилган тақдирда, ҳар қандай давлатлараро тузилмадан чиқиш;

— Марказий Осиёда тажовузкор ақидапарастлик, миллатчилик ва экстремизм ғоялари тарқалишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўриш;

— Марказий Осиё минтақасида можароли вазиятлар ва кескинлик ортишининг олдини олиш, мавжуд ёки юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этишда сиёсий-дипломатик ва халқаро-ҳуқуқий механизмлар, шу жумладан, превентив дипломатия воситаларидан фойдаланиш.

Партия Ўзбекистон Республикаси ўзининг яқин қўшниларига нисбатан очиқ, хайрихоҳ ва прагматик сиёсат юритиши тарафдори ва минтақанинг барча долзарб сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларини ўзаро манфаатлар, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш тарафдоридир. Марказий Осиёда вужудга келадиган муаммолар минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ташқи кучлар аралашувисиз ҳал қилиниши лозим.

Ўзбекистон ХДП Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга кўмаклашиш, Марказий Осиёни ядровий қуролдан холи ҳудудга айлантириш ҳамда трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби мамлакатимизнинг минтақавий ва халқаро сиёсатининг энг муҳим йўналишлари бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

***

Ўзбекистон ХДП ўз олдига мазкур Сайловолди дастурида баён этилган мақсад ва вазифаларни қўяр экан, унинг сиёсий қарашлари ва дастурий мақсадларига қўшиладиган барча ҳамюртларимизни ушбу сайловларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини янада оширишга ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган номзодларини қўллаб-қувватлашга чақиради.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

*Қорақалпоғистон Республикаси*

## Гулнар КАЙПАНОВА

*(1-Нукус сайлов округи)*



**1973 йилда Нукус шаҳрида туғилган. 1990 йилда Астрахан давлат тиббиёт институтига ўқишга кирган ва ўқишни Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида давом эттирган. Мутахассислиги — шифокор-педиатр. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси, «Шуҳрат» медали соҳиби.**

Меҳнат фаолиятини 1996 йилда Нукус шаҳар шифохонасида бошлаган. 1997-1999 йилларда Нукус шаҳридаги республика туғуруқ уйи неонатолог шифокори, 1999-2005 йилларда «Она ва бола» скрининг марказида шифокор-эндокринолог вазифаларида ишлаган. 2005 йилдан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон филиали Тиббий-ижтимоий патронаж бригадасида олий тоифали педиатр-шифокор.

У «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси дастури, баркамол авлодни вояга етказишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялашга йўналтирилган дастурларни изчил амалга ошириш борасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

— Агар мен Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлансам, ЎзХДП Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламига малакали тиббиёт-санитария ёрдами ва асосий тиббий хизматларни бепул кўрсатиш билан боғлиқ тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича ўз таклифларим билан чиқишни мақсад қилганман, — дейди у. — Шунингдек, биринчи тиббий ёрдамдан қулай ва тезкор фойдаланишни таъминловчи қишлоқ врачлик пунктларини малакали мутахассислар билан таъминлаш масалаларини ҳам ўз сайловолди дастуримга киритганман.

Иш тажрибамдан келиб чиқиб, олис овул, қишлоқлардаги тиббиёт муассасаларини диагностика учун зарур тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш, ҚВП тармоғини кенгайтириш, жисмоний имконияти чекланган ва ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд бошқа кишиларга имтиёзли асосда бериладиган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар рўйхатини кенгайтиришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш масалаларини ўртага қўймоқчиман.

## Санемхан ЖУМАМУРАТОВА

*(2-Тўрткўл сайлов округи)*

**1981 йилда Нукус шаҳрида туғилган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи.**



Меҳнат фаолиятини 2004 йилда Хўжайли туманидаги 40-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 2008-2011 йилларда «Ўзсаноатқурилишбанк» Қорақалпоғистон минтақавий филиалида назоратчи-кассир ва мутахассис вазифаларида ишлаган. 2011 йилдан Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси.

У хотин-қизларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билим ва фаоллигини ошириш мақсадида қатор ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» лойиҳаси доирасида вақтинча ишсиз аёллар учун меҳнат ярмаркалари ташкил этиш, касаначиликни ривожлантириш борасида илгари сурган ташаббуслари натижасида кўплаб хотин-қизлар бандлиги таъминланди, ижтимоий фаоллиги ортди.

Санемхан Жумамуратова ўз сайловолди дастурида йирик корхоналарда касаначилик иш жойларини ташкил этиш бўйича мажбурий квоталар белгилаш орқали аҳоли, жумладан, аёллар ва жисмоний имконияти чекланган кишилар, айниқса, ногирон аёлларни касаначилик фаолиятига жалб қилишни кенгайтириш, улар тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириши учун имтиёзли микрокредитлар беришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалаларини илгари сурмоқда.

— Сайловчиларнинг ишончини қозониб, депутат бўлсам, ЎзХДПнинг дастурий ғоялари ва Сайловолди сиёсий позицияси, сайловчиларнинг учрашувларда берган таклифлари фаолиятимнинг асосий йўналиши бўлади, — дейди у. — Шунингдек, оролбўйи минтақасида истиқомат қиладиган хотин-қизлар манфаатларига хизмат қиладиган таклифлар ишлаб чиқмоқчиман. Шу билан бирга, тўплаган тажрибам асосида хотин-қизларнинг манзилли ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ қонунчиликни янада такомиллаштириш ишларида фаол иштирок этаман.

## Айша МАТНИЯЗОВА

*(3-Элликқалъа сайлов округи)*

**1970 йилда Элликқалъа туманида туғилган. Ҳозирги санъат ва маданият институтини тамомлаган. «Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими аълочиси», «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган.**

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман маданият уйида режиссёр вазифасидан бошлаган. 1995-2010 йилларда Элликқалъа туманидаги 27-мактабда мусиқа ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, Элликқалъа санъат ва педагогика коллежи Халқ рақси кафедраси мудири, туман Маънавият тарғибот маркази раҳбари лавозимларида меҳнат қилган. 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (ҳозирги Давлат бошқаруви академияси)ни битирган. 2010 йилдан Элликқалъа туман Маданият ва спорт ишлари бўлими мудири.

У ўз фаолияти давомида ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг бевосита ташаббуси билан жойларда болалар спортини ривожлантириш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.



– Кам даромадли, барқарор даромад манбаига эга бўлмаган оилаларда вояга етаётган қобилиятли ва истеъдодли болаларни қўллаб-қувватлаш, улар истеъдодини намоён этиши учун янада кенг шароит яратиб бериш борасида қатор таклифларим бор, — дейди у. — Айниқса, ногирон болаларни махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш ва бу соҳада хизмат қилаётган ўқитувчиларга маълум имтиёзлар жорий этиш масалалари бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этиб бораяпти.

Олис қишлоқларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда спорт билан шуғулланиши учун мўлжалланган инфратузилмани янада ривожлантириш, ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, айниқса, қиз болаларни спорт анжомлари ва кийимлари билан таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш партиямиз дастуридан ҳам алоҳида ўрин олган. Мен депутат бўлсам, ана шу ишлар изчил амалга ошиши учун курашаман.

## Айбек МАШАРИПОВ

*(4-Амударё сайлов округи)*

**1979 йилда Нукус шаҳрида туғилган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетини битирган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.**

Меҳнат фаолиятини 2002 йили Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлимида катта маслаҳатчи вазифасидан бошлаган. Мазкур бўлимда кейинчалик етакчи маслаҳатчи бўлиб ишлаган. 2005 йилдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармасида катта маслаҳатчи, Тошкент вилоят Адлия бошқармасининг Шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи, Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган.

Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.

У ўз фаолияти давомида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда қонуний манфаатлари, эркинликларини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Айбек Машарипов ҳар бир инсонга унинг шахсий фазилатлари ва истеъдодини ривожлантириш, фуқаролик ва умуминсоний ҳуқуқларини амалга ошириш имконини берадиган зарур шароитларни яратиш лозим, деб ҳисоблайди. Бу масалалар унинг сайловолди дастурида ҳам ўз ифодасини топган.



– Аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва фуқароларнинг ижтимоий манфаатларига дахлдор бошқа масалаларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишни мажбурий этиб белгилаш керак, — дейди у. — Бу ғоя амалга ошса, ижтимоий ёрдамни аниқ манзилга, аниқ мақсадга йўналтириш, бу жараёнда адолатлиликни таъминлашнинг кафолатлари мустаҳкамланади. Агар депутат этиб сайлансам, ваколатим ҳамда ҳуқуқларимдан фойдаланиб, бу борада қонун ташаббуси билан чиқаман ҳамда партиямиз Сайловолди дастурини амалга ошириш учун курашаман.

## Салауатдин ХУДАЙБЕРГЕНОВ

*(5-Хўжайли сайлов округи)*



**1973 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.**

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида етакчи мутахассисликдан бошлаган ва етакчи маслаҳатчи, бош маслаҳатчи, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган. 1999-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида катта маслаҳатчи, етакчи маслаҳатчи, бош маслаҳатчи, бўлим бошлиғи, сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Назорат бўлими етакчи мутахассиси лавозимларида меҳнат қилган. 2009-2012 йилларда бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг доимий вакили ва Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири Котибияти инспектори бўлиб ишлаган. 2012 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири.

У адолат тамойилларига асосланган эркин демократик жамиятни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни долзарб вазифалардан, деб ҳисоблайди.

Салауатдин Худайбергенов фуқароларнинг, айниқса, кам даромадли қатламнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш имкониятларини кенгайтириш, хусусан, даъво аризалари киритилганда олинадиган давлат божи миқдорларини мақбуллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш вазифаларини ўз сайловолди дастурига киритган.

— Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан аҳолининг ёрдамга эҳтиёжманд қатламларининг интерфаол давлат хизматлари ва бошқа тегишли тармоқ ресурсларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш тарафдориман, — дейди у. — Бунда, айниқса, жисмоний имконияти чекланган кишилар, пенсионерлар манфаатларини алоҳида эътиборга олиш, улар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун янада қулай шароит яратишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш керак, деб ҳисоблайман.

## Райхан КАРМИСОВА

*(6-Чимбой сайлов округи)*

**1964 йилда Қораўзак туманида туғилган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — журналист.**



Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Қораўзак тумани болалар боғчасида тарбиячиликдан бошлаган. Сўнг Қораўзак туман газетаси мухбири, тумандаги 1-мактабда қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 2003 йилдан Қораўзак тумани ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси.

У хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, фаоллигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, уйда ўтирган аёлларнинг ўз мустақил бизнесини бошлаши, уларни касаначилик меҳнатига жалб қилиш ишларига катта эътибор бериб, бу борада қатор ташаббуслар билан чиққан. Бундан ташқари, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларнинг эрта турмушга чиқишининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратади.

— Партиямиз электорати вакиллари ўз ишини очиши учун имтиёзли ссуда ва грантлар бериш институтини ривожлантириш йўли билан уларнинг тадбиркорлик фаоллигини давлат томонидан рағбатлантиришнинг меъёрий асосларини такомиллаштириш зарур, — дейди у. — Шунда уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлат бюджетидан ортиқча маблағ ажратишга ҳожат қолмайди. Бундан ташқари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кам даромадли аҳоли қатлами, биринчи навбатда, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш имкониятлари ва ҳуқуқларини янада кенгайтириш лозим, деб ҳисоблайман. Депутат этиб сайлансам, партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бюджетдан ташқари моддий ёрдам фондларини шакллантириш ва маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айлантириш бўйича мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратмоқчиман.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Қуатбай ҚУРБАНБАЕВ

*(7-Арал сайлов округи)*



**1978 йилда Хўжайли туманида туғилган. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.**

Меҳнат фаолиятини 1998 йилда Хўжайли туманидаги 55-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 2001-2012 йилларда тумандаги 70-мактаб ўқитувчиси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хўжайли туман кенгаши раиси ўринбосари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси, 15-мактаб директори ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хўжайли туман кенгаши раиси лавозимларида фаолият олиб борган. 2010 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси. 2014 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати этиб сайланди.

Ўз фаолияти давомида аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламлари, ногиронлар, кам даромадли оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорларнинг ижроси юзасидан депутатлик назоратини ўрнатиш бўйича қатор ташаббуслар кўрсатди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан мониторинг ишларини олиб боришда ишчи гуруҳига раҳбарлик қилган ва аниқланган камчиликларни бартараф этишда фаоллик кўрсатган.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси, аввало, инсон, халқ манфаати, аҳоли ижтимоий муҳофазаси учун курашади, — дейди у. — Агар депутат этиб сайлансам, шу тамойилга риоя қилган ҳолда партиямиз электоратининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини дадил ҳимоя қилиш учун курашаман. Шунингдек, ҳар бир инсоннинг даромади унинг фаровон яшаш даражаси талабларига жавоб беришига эришиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган, пухта ўйланган лойиҳалар амалга оширилишининг изчиллигини таъминлаш, нафақадаги ва кам таъминланган фуқароларимиз ижтимоий муҳофазасини, уларга эътибор, меҳр, ғамхўрлик кўрсатишни янада кучайтириш каби долзарб масалаларнинг қонунчилик даражасида ечим топиши учун бор билим ва имкониятимни ишга соламан.

## Гулчехра ЕРНИЯЗОВА

*(8-Ақманғит сайлов округи)*

**1971 йилда Нукус шаҳрида туғилган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.**



Меҳнат фаолиятини Кегейли тумани «Даруаза кум» хўжалигида бошлаган. 1990-2007 йилларда Кегейли туманидаги 22-мактабда қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2007 йилдан мазкур мактаб директори. 2012 йилда халқ депутатлари Кегейли туман Кенгаши депутати этиб сайланган.

У депутат сифатида сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиб, ҳududдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда астойдил меҳнат қилиб келмоқда. Шу билан бирга, жойларда кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиб, фуқаролардан келиб тушган мурожаатларни ўрганиб, мавжуд муаммо ва камчиликларнинг ечими устидан депутатлик назоратини ўрнатган.

Депутатликка номзод меҳнатга лаёқатли аҳолининг муносиб ҳақ тўланадиган иш топишга интилишини қўллаб-қувватлаш, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини рағбатлантириш, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароит яратиш масалаларини илгари сурмоқда.

— Биз нима учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдоримиз, — дейди у. — Ҳар гал сайловчилар билан учрашганимда, қишлоқдошларим билан суҳбатлашганимда улар орасида кам даромадли, вақтинча ишсиз, ногирон, аммо тадбиркорлик қобилиятига эга бўлганлари кўплигини кўраман. Биз бозор иқтисодиёти шароитида ана шу қатлам манфаатлари, албатта, инобатга олиниши учун курашмоқдамиз. Агар депутат бўлсам, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлам вакиллари ўрта синфга киришини таъминлашга қаратилган механизмларни янада такомиллаштириш бўйича ташаббуслар билан чиқаман.

### Сурхондарё вилояти

## Насиба ДАДАЕВА

*(68-Шеробод сайлов округи)*

**1969 йилда Шеробод туманида туғилган. Термиз давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — биология фани ўқитувчиси. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

Меҳнат фаолиятини Шеробод туманида бошлаган. 1995-2006 йилларда Шеробод туманидаги Миллий ҳунармандлик лицейида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, 2006 йилдан Шеробод қурилиш ва халқ ҳунармандчилиги касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, 2008-2012 йилларда эса мазкур коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлаган. 2012 йилдан Шеробод туманидаги 28 мактаб директори.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ижросини таъминлаш ишларида фаол қатнашмоқда. Хусусан, замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича ташаббус кўрсатмоқда.

Насиба Дадаеванинг сайловолди дастурида барқарор даромадга эга бўлмаган оилалардаги қобилиятли ва истеъдодли болаларни эрта аниқлаш ва давлат грантлари ажратиш орқали уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш, шунингдек, ногирон болаларни зарур махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш ва соҳа ходимларига имтиёзлар жорий этиш билан боғлиқ долзарб масалалар ўрин олган.



— Депутат бўлиб сайлансам, қишлоқда ёшларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда спорт билан шуғулланиши учун қулай шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни тизимли давом эттириш бўйича таклифларимни илгари суришни мақсад қилганман, — дейди у. — Шунингдек, йирик корхоналарда касаначилик иш жойларини ташкил этиш бўйича мажбурий квоталар белгилаш орқали жисмоний имкониятлари чекланган шахсларни касаначилик фаолиятига жалб қилишни кенгайтиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича таклифлар киритмоқчиман.

## Фахриддин АБДИРАСУЛОВ

*(69-Ангор сайлов округи)*

**1968 йилда Шўрчи туманида туғилган. Тошкент давлат техника университетини муҳандис-механик мутахассислиги бўйича тамомлаган.**

Меҳнат фаолиятини 1985 йилда Қумқўрғон туманида бошлаган. 1993 йилдан Қумқўрғон тумани коммунал фойдаланиш бошқармаси бош муҳандиси, 2000 йилдан хусусийлаштириш бўлими бош мутахассиси, 2002 йилдан ижтимоий мослашув маркази бошлиғи, 2003 йилдан эса Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қумқўрғон туман бўлимида бош мутахассис бўлиб ишлаган. 2011 йилдан эътиборан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилоят филиали директори вазифасини бажарувчи, 2012 йилдан ҳозирги вақтга қадар директори вазифасида фаолият олиб бормоқда.

Фахриддин Абдирасулов болалар ўртасида спортни тарғиб этиш, унга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида муҳим ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, марказдан олис ҳудудларда болалар спортини ривожлантириш, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ишларини тизимли ташкил этиб келмоқда.

Фахриддин Абдирасулов иш жараёнида талабчан, билимли, соҳадаги ислоҳотларни чуқур тушунган ҳолда, амалиётга татбиқ этмоқда. У тўғрисўз, изланувчан, ўз ҳамкасбларига нисбатан доимо меҳрибон ва ғамхўр, маънавий етук раҳбар.

Ўзининг сайловолди дастурида у қишлоқ ҳудудларида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, спорт билан шуғулланиши учун мўлжалланган инфратузилмани янада ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, айниқса, қиз болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун ташкилий-ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш борасидаги ишларни кучайтиришни мақсад қилган.



Шунингдек, у спорт мажмуалари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, замонавий спорт анжомлари билан таъминлаш орқали иқтидорли спортчиларни тарбиялаш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича кўплаб таклифларни илгари сурмоқда.

## Икромжон АШУРОВ

*(70-Термиз сайлов округи)*



**1969 йилда Термиз туманида туғилган. Термиз давлат университетини умумтехника фанлари ва меҳнат ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тамомлаган.**

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Термиз туманида бошлаган. 1998 йилдан буён Термиз озиқ-овқат саноати коллежида махсус фан ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Унинг меҳнатлари муносиб баҳоланиб, Президентимиз Фармонига мувофиқ, 2009 йилда «Шуҳрат» медали, 2014 йилда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган.

Икромжон Ашуров касб-ҳунар таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини яхши тушунади. Уни ҳаётга татбиқ этиш борасида ташаббускор. Тажрибали муаллим доимий равишда янги педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда, таълим сифатини ошириш устида иш олиб бормоқда. Унинг раҳбарлигида 6 та ўқув-услубий ишланма, 10 дан ортиқ кўргазмали қурол ва 70 га яқин тест банклари тайёрланган.

Бундан ташқари, у коллеж қошида «Автомобиль тузилиши» тўгарагини ташкил қилиб, ҳозирги кунда дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларига касб-ҳунар сирларини ўргатмоқда.

Икромжон Ашуров ўз сайловолди дастури орқали ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент назорати институтини кучайтириш, жумладан, парламент томонидан янги тайинланган ҳукумат фаолияти дастурини маъқуллашнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу дастур бажарилиши тўғрисидаги йиллик ҳисоботини Олий Мажлис томонидан эшитиш амалиётини кенг жорий қилишни илгари сурмоқда.

— Депутат сифатида жамиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали ёрдамга муҳтож қатламларнинг интерфаол давлат хизматлари ягона портали ва бошқа тегишли тармоқ ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашга эришишни мақсад қилганман, — дейди у. — Шунингдек, аҳолига қонунлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар манфаатига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари матни билан танишиш имконини берадиган тармоғ ташкил қилинишига ҳаракат қиламан.

## Турсунпўлат НАРБОЕВ

*(71-Жарқўрғон сайлов округи)*

**1961 йилда Жарқўрғон туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент ирригация ва мелиорация институтини иқтисодчи-муҳандис ихтисослиги бўйича тамомлаган. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**



Меҳнат фаолиятини 1985 йилда Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» давлат тажриба хўжалигида иқтисодчиликдан бошлаган. 1990 йилдан мазкур хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари, 1997 йилдан касаба уюшма қўмитаси раиси, 1998 йилдан тумандаги «Сурхон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси лавозимида меҳнат қилган. 2014 йилдан буён «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилоят бўлими бошқаруви раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Турсунпўлат Нарбоев «Маҳалла» хайрия жамоат фонди иш фаолиятини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ишини янада такомиллаштириш, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, моддий техник базасини янада мустаҳкамлаш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, урф-одатлар, анъаналар ва тарихий меросимизни сақлаш ва бойитиш масалаларида ташаббускорлик кўрсатиб келмоқда.

Турсунпўлат Нарбоевнинг сайловолди дастуридан фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш билан боғлиқ ҳуқуқларини кенгайтириш, маҳаллаларда бюджетдан ташқари моддий ёрдам фондлари ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш билан боғлиқ масалалар ўрин олган.

— Депутат этиб сайлансам, маҳаллаларда аҳолининг банд бўлмаган ва кам таъминланган қатламини оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кўмак берадиган марказлар ташкил қилинишининг ҳуқуқий асосларини яратишга ҳаракат қиламан, — дейди у. — Бундан ташқари, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш зарур, деб ўйлайман.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Эшдавлат АЗИМОВ

*(72-Қумқўрғон сайлов округи)*



**1972 йилда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида туғилган. Тошкент автомобиль-йўллар институтини тамомлаган. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.**

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Қумқўрғон туманидаги «Гулистон» маҳалласида котибликдан бошлаган.

1995-2007 йилларда Жарқўрғон туманидаги Какайди транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежида дастлаб ишлаб чиқариш устаси, махсус фан ўқитувчиси, кейинчалик бош уста ва касбий таълим ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2007 йилдан ҳозирги кунга қадар Қумқўрғон иқтисодиёт ва транспорт касб-ҳунар коллежида директор лавозимида ишлаб келмоқда. 2005-2006 йилларда Германияда касбий педагогика бўйича малака ошириб келган.

Эшдавлат Азимов ўз соҳасининг чуқур билимдони, изланувчан, дунёқараши кенг раҳбар. Сиёсий ва маънавий етук, халқ фаровонлиги жамият тараққиёти йўлида ўз билими ва тажрибасини аямайдиган фидойи инсон сифатида жамоасида ҳурмат қозонган. Коллежда янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда намунавий дарслар ташкил этишга эътибор қаратиб келмоқда.

Эшдавлат Азимов ўз сайловолди дастурида корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар тайёрлаш амалиётини ривожлантириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўзлари мустақил равишда иш ўрнига эга бўлишларини таъминлаш, якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун уларга имтиёзли микрокредитлар ҳамда ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда имтиёзлар бериш масаласига эътибор қаратган.

У бу жараёнда энг муҳим масала корхона ва иш берувчиларнинг тегишли ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежларига бириктирилиши ҳамда мунтазам ҳаракатдаги «коллеж-корхона» алоқаларини такомиллаштириш, деб ҳисоблайди.

## Фирдавс ШАРИПОВ

*(73-Шўрчи сайлов округи)*

**1983 йилда Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида туғилган. Маълумоти олий. 2007 йил Термиз давлат университетини «Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари» йўналиши бўйича тамомлаган.**



Меҳнат фаолиятини 2000 йилда Денов туманида бошлаган. 2007 йилдан бошлаб Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси, 2012-2014 йилларда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлинмаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ривожланишини мониторинг қилиш» гуруҳи катта мутахассиси, 2014 йил март ойидан институтнинг «Аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик ўзлигини англаши шаклланишини мониторинг қилиш» гуруҳи етакчи мутахассиси, ҳозирда музкур гуруҳ раҳбари — бош мутахассис ҳамда Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш курсида ўқитувчи вазифасида ишлаб келмоқда.

Унинг 70 дан ортиқ илмий-публицистик мақолалари, 10 га яқин таржималари республика даврий нашрларида эълон қилинган. 2012 ва 2013 йилларда ёшлар ўртасида ўтказилган «Парламентаризм билимдони» ON-LINE танловида фаол иштироки учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси дипломи билан тақдирланган.

Фирдавс Шарипов ўз сайловолди дастурида бандлик ва иш ўринлари яратиш ҳудудий дастурлари ва муайян тармоқлар талабига мувофиқ, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликда жойларда товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ўрта муддатли инвестиция дастурлари ишлаб чиқиш масаласига эътибор қаратган.

— Депутат бўлиб сайлансам, ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келаётган кишилар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратаман, — дейди у. — Хусусан, олий ўқув юрти ва касб-ҳунар коллежи битирувчилари кўп бўлган минтақаларда саноат корхоналарини ривожлантириш ва янги иш ўринлари ташкил қилишни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган минтақавий фондларни ташкил этишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига эришишни режалаштирганман.

## Қаҳрамон МИРЗАЕВ

*(74-Денов сайлов округи)*

**1982 йилда Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган. 2006 йилда ҳозирги Тошкент давлат юридик университетини тамомлаган.**

Меҳнат фаолиятини 2006 йилда Сурхондарё вилоят адлия бошқармасида инспекторликдан бошлаган. 2007-2008 йилларда вилоят Адлия бошқармасининг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими катта маслаҳатчиси, бош маслаҳатчиси вазифаларида ишлаган. 2008 йилда Адлия бошқармасининг Хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи лавозимига тайинланган. 2011 йилда Адлия бошқармасининг Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бўлими бошлиғи этиб тайинланган. 2013 йилдан ҳозирги вақтга қадар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Юридик бўлими катта референти лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Қаҳрамон Мирзаев Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган давлат нотариал идоралари, адвокатлик тузилмалари ва ФҲДЁ бўлимлари томонидан фуқароларга самарали ҳуқуқий хизмат кўрсатишга ўз ҳиссасини қўшиш билан бирга, қабул қилинаётган қонун нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ўз таклифларига эга.



Қаҳрамон Мирзаев Сайловолди дастурида аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд қатлами ижтимоий манфаатларига оид қонунларни тайёрлаш ҳамда қабул қилишда очиқликни таъминлашга алоҳида аҳамият қаратган.

Шунингдек, ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда қонун нормаларининг бевосита таъсир этишига, яъни ҳавола нормаларсиз қабул қилинишига эришиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва фуқароларнинг ижтимоий манфаатларига дахлдор бошқа масалаларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши мажбурийлигини белгилаш учун ҳаракат қилади. Шу билан бирга, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчилик қизиқишига сабаб бўладиган масалалар бўйича қарор қабул қилишдан аввал ушбу масалалар юзасидан жамоатчилик маслаҳатлашувларини ўтказишнинг мажбурий эканини белгилаб берувчи процессуал механизмлар яратишни қўллаб-қувватлайди.

## Алишер СОДИҚОВ

*(75-Сариосиё сайлов округи)*

**1963 йилда Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида туғилган. 1988 йилда ҳозирги Тошкент давлат техника университетини тамомлаган.**

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Сариосиё туманида бошлаган. 1988-2006 йилларда Дашнобод ширкат хўжалиги муҳандиси, 2006-2009 йилларда «Али Мир Содиқ Музаффар-Агро» фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаган. 2009 йилда 76-Узун сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган. Қуйи палатанинг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси сифатида қатор қонунларни яратишда иштирок этган.

У депутат сифатида мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни доимо қўллаб-қувватлаб, уларни тарғиб қилиш ва амалга оширишда фаол қатнашиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида у сайловчилар билан 120 дан зиёд учрашув ўтказиб, уларнинг 140 га яқин ёзма мурожаатларини ўрганиб чиқиб, тегишли тартибда ҳал қилишга эришган.

Алишер Содиқов ўзининг ташкилотчилик қобилияти, фаол сиёсий ва фуқаролик позициясига эгалиги, атрофдагиларга нисбатан доимо эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиши билан жамоатчилик ўртасида обрў-эътиборга эга.



Унинг Сайловолди дастуридан иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларини танлашда давлатнинг тартибга солувчилик ролини янада мустаҳкамлаш, саноатнинг ёқилғи-энергетика, тоғ-кон саноати каби асосий стратегик тармоқларида давлатнинг етакчилик ролини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, давлатнинг монополияга қарши тартибга солувчилик ролини янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ўрин олган.

— Депутат бўлиб қайта сайлансам, ногиронларнинг ижтимоий инфратузилмалар, шу жумладан, тураржой ва жамоат бинолари, транспорт коммуникацияларидан эркин фойдаланишлари учун шароитларни яхшилашга эътибор қаратаман, — дейди у. — Шунингдек, аҳоли пунктлари, бино ва иншоотларни ногиронлар учун мослаштирган ҳолда лойиҳалаштиришга давлат идоралари эътиборини жалб этишга ҳаракат қиламан.

## Тоҳир САИДБОБОЕВ

*(76-Узун сайлов округи)*



**1971 йилда Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида туғилган. 1994 йилда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика, 2003 йилда ҳуқуқшунослик факультетларини тамомлаган.**

Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида бошлаган. 1997-2000 йилларда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ахборот» Бош муҳарририятида сиёсий шарҳловчи ва бошқа вазифаларда фаолият кўрсатган.

Тоҳир Саидбобоев Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Қонун ҳимоясида» бирлашган таҳририяти телегуруҳи раҳбари лавозимида ҳам самарали меҳнат қилган. 2007-2012 йилларда Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси етакчи маслаҳатчиси вазифасида, 2012 йилдан эътиборан Адлия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари лавозимида ишламоқда.

У фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклаш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида қатор ташаббусларни илгари сурди. Мазкур соҳада ташкил этилган халқаро анжуманларда иштирок этиб, ўзининг мустақил қарашларини баён этди.

Тоҳир Саидбобоев ижтимоий ҳамкорлар — «Нуроний» жамғармаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ногиронлар жамиятлари ва бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни янада кучайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш тарафдори.

Шунингдек, у ўз сайловолди дастурида суд-ҳуқуқ соҳасида фуқаролар, айниқса, кам даромадли кишиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш учун судга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш, хусусан, улар томонидан даъво аризалари киритилганда олинадиган давлат божи миқдори мақбуллаштирилишига эришиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бундан ташқари, у суд ҳокимияти самарадорлигининг асосий мезони - суд қарорлари ижросини таъминлаш, деб ҳисоблайди. Шунинг учун суд қарорлари бажарилиши устидан тегишли назоратни кучайтиришга қаратилган қонунчилик ташаббусларини илгари суришни мақсад қилган.

### Хоразм вилояти

## Мураджон ВАИСОВ

*(105-Урганч сайлов округи)*

**1973 йилда Гурлан туманида туғилган. Фарғона политехника институтини тамомлаган, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг (ҳозирги Давлат бошқаруви академияси) Олий Бизнес мактабида таълим олган. Мутахассислиги — иқтисодчи.**

Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Қўқон шаҳар Давлат суғурта идорасида суғурта агенти вазифасидан бошлаган ва бош ҳисобчи, Фарғона вилояти Давлат суғурта бошқармасида етакчи тафтишчи, етакчи мутахассис сифатида фаолият кўрсатган. 1998-2005 йилларда «Ўзагросуғурта» ДАСК Фарғона вилоят дирекцияси бўлим бошлиғи, директор ўринбосари, 2005-2008 йилларда «Ўзагросуғурта» ДАСК Хоразм вилояти дирекцияси директори лавозимларида ишлаган. 2008 йилдан «Мегасфера» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона бош директори.



У партиямиз Сайловолди дастуридаги меҳнатга лаёқатли аҳоли кўп бўлган ҳудудларда саноат корхоналарини ривожлантириш ва янги иш ўринлари ташкил этишни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган махсус минтақавий жамғармалар тузиш ғоясини амалга ошириш учун курашишни мақсад қилган.

— Бундан ташқари, бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнатининг қонуний асосларини такомиллаштириш, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий суғуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир, — дейди у. — Шу билан бирга, корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш амалиётини янада ривожлантириш талаб этилмоқда. Бунда ўқувчиларнинг юқори касбий малакасини кафолатловчи ишлаб-чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш бўйича корхона ва ташкилотлар масъулиятини ошириш лозим, деб ҳисоблайман.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўзлари мустақил равишда иш ўрни яратишига янада кенг йўл очиш талаб этилмоқда. Ўз хусусий иши, мустақил бизнесини бошлаши учун уларга имтиёзли микрокредитлар бериш тизимини янада ривожлантириш зарур. Улар ташкил этаётган тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда мавжуд тўловлардан озод этиш уларнинг ўзини ўзи иш билан таъминлашини рағбатлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Депутат этиб сайлансам, ана шу масалалар юзасидан қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш устида иш олиб бораман.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

*Хоразм вилояти*

## Реймажон НУРМЕТОВА

*(106-Боғот сайлов округи)*



**1960 йилда Янгиариқ туманида туғилган. Самарқанд давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги — шифокор-педиатр. 2011 йилда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» кўкрак нишони, 2013 йилда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган.**

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Хоразм вилоят болалар шифохонасида бошлаган. 1985-1996 йилларда Хонқа туман болалар шифохонасида шифокор, Боғот туман марказий шифохонасининг туғуруқхона бўлимида болалар шифокори бўлиб ишлаган. 1996-2014 йилларда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Боғот туман таянч маскани директори лавозимида фаолият кўрсатган. 2014 йилдан Боғот туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси.

У Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий ғояларидан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирокини таъминлаш ишларида бевосита иштирок этиб келмоқда. Депутатликка номзод сифатида ўз сайловолди дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатлари билан боғлиқ қатор долзарб масалаларни илгари сурмоқда.

— Биринчи тиббий ёрдамдан барча қулай ва тезкор фойдаланиши, кам даромадли одамлар учун ҳам унинг мақбуллигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш керак, — дейди у. — Бунинг учун қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, одамларнинг тиббий-ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш талаб этилади.

Ҳар қандай жамиятда ҳам жисмоний имконияти чекланган кишилар алоҳида эътибор ва ғамхўрликка муҳтож бўлади. Шундай экан, ногиронлар меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналар ташкил этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, шу мақсадда давлатнинг марказлашган сармоялари ҳисобидан бундай корхоналар тармоғини ривожлантириш керак. Шу билан бирга, йирик корхоналарга касаначилик иш жойлари ташкил этиш бўйича мажбурий квоталар белгилаш орқали жисмоний имконияти чекланган шахсларни касаначиликка жалб қилиш уларнинг манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлашнинг энг самарали шаклидир.

## Барно БЕРДИЕВА

*(107-Гурлан сайлов округи)*

**1974 йилда Урганч шаҳрида туғилган. Урганч давлат университетининг бошланғич таълим методикаси ва педагогикаси факультетини тамомлаган.**

Меҳнат фаолиятини Урганч туманидаги 44-мактаб ўқитувчилигидан бошлаган ва маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида фаолият юритган. 2008-2010 йилларда Урганч туманидаги 6-мактабда ўқитувчи, маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари, Урганч туман Хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси лавозимида ишлаган. 2010 йилдан туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси.

У ўз сайловолди дастурида сифатли таълим ва касб-ҳунар ўрганишнинг барча учун тенг, адолатли ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан таклифларини ўртага ташламоқда.



— Жамиятнинг барча қатламларига эркин ва тенг таълим олиш имкониятини яратиш мақсадида минтақалардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олиб, мактабгача, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини олдиндан барпо этиш амалиётини янада ривожлантириш зарур, — дейди у. — Шунинг билан бирга, бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш талаб этилмоқда. Чунки болаларни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш учун уларни имкон қадар тўлиқ мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Мактабгача таълим муассасаларидан узоқ аҳоли пунктлари ёки бундай муассасалар бўлмаган жойларда педагогик маълумотга эга, лекин бола тарбияси билан машғул бўлгани боис ишламайдиган аёллар учун оилавий мактабгача таълим тарбиячиси сифатидаги уй меҳнатини ташкил этишни таклиф этамиз. Бу ҳам вақтинча ишламайдиган педагог аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини, ҳам болаларнинг мактабгача таълим ва тарбия олиш ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим механизми бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, ногирон болаларни махсус адабиёт ва қўлланмалар билан тўлиқ таъминлаш, инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш ҳамда инклюзив таълим берадиган ўқитувчиларга имтиёзлар жорий этиш, жисмоний имкониятлари чекланган йигит-қизларнинг олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳам олдимизда турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

## Купалбай ТАНГРИБЕРДИЕВ

*(108-Ҳазорасп сайлов округи)*

**1976 йилда Хонқа туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалини даволаш иши мутахассислиги бўйича тамомлаган.**

Меҳнат фаолиятини ўзи битирган ўқув юртида ассистентликдан бошлаган. 2001-2007 йилларда Хоразм вилоят кардиология маркази шифокори, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиник ординатори, 2007-2008 йилларда Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси «Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш» лойиҳаларини амалга ошириш бюроси директори, 2008-2012 йилларда соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2012 йилдан Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.

У вилоятда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кўпгина ташаббусларни илгари сурди. Бунинг натижасида соғлом болалар туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни тарбиялаш, она ва бола соғлиғини сақлаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш бўйича қатор натижаларга эришилди.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида шу вақтга қадар тўплаган тажрибаларига асосланиб, Купалбай Тангрибердиев қатор долзарб ғояларни илгари сурмоқда. Унинг сайловолди дастуридан аҳолига бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлам имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мақбул тиббий хизмат кўрсатишни янада кенгайтириш ва унинг сифатини ошириш масалалари ўрин олган.



— Тиббиёт муассасалари ходимларининг аҳоли билан ишлаш, тиббий маданият тарғиботи борасидаги фаолиятини янада кучайтириш турли касалликлар келиб чиқишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди у. — Айниқса, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ўткир юқумли хасталикларнинг олдини олиш бўйича тарғибот-тушунтириш, профилактика ишларининг самарадорлигини янада ошириш лозим. Агар мен депутат этиб сайлансам, тиббиёт қонунчилигини ана шу нуқтаи назардан янада ривожлантириш, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш ҳамда тиббиёт ходимлари манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган янги нормаларни уларда акс эттириш учун курашаман.

## Одилбек АДАМБАЕВ

*(109-Хонқа сайлов округи)*

**1973 йилда Боғот туманида туғилган. Урганч давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — физика-математика фани ўқитувчиси.**

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Хоразм вилоят телерадиокомпаниясида сухандонликдан бошлаган ва муҳаррир, катта муҳаррир вазифаларида ишлаган. 1999-2014 йилларда Хоразм вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар мажмуи референти, вилоят телерадиокомпанияси бош муҳаррири, директор ўринбосари, директори вазифасини бажарувчи лавозимларида меҳнат қилган. 2014 йилдан Хоразм вилоят телерадиокомпанияси директори ўринбосари.

У ўзининг ташкилотчилик қобилияти, фаол сиёсий ва фуқаролик позициясига эга экани билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари ва жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган.

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ҳали кўпгина қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш керак, — дейди у. — Мен бу жараёнда фаол иштирок этиб, янги қонунларда жамиятда ижтимоий-ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга қаратилган меъёрларни чуқур акс эттиришга ҳаракат қиламан. Ижтимоий аҳамиятга эга муносабатларни тартибга соладиган қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қонун нормаларининг бевосита таъсир этишига, яъни ҳавола нормаларни қисқартиришга эришиш зарур, деб ҳисоблайман.



Бизнинг партиямиз учун муҳим принципиал масалалардан бири эса аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва фуқароларнинг ижтимоий манфаатларига дахлдор бошқа масалаларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишни мажбурий этиб белгилашдир. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда катта қизиқишга сабаб бўладиган масалалар бўйича қарор қабул қилишдан аввал жамоатчилик маслаҳатлашувларини ўтказишнинг мажбурийлигини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш зарур. Бунда ҳукумат сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари билан, жойлардаги ҳокимликлар эса партияларнинг тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар ўтказишининг ҳуқуқий асосларини яратиш керак бўлади.

## Мансурбек РАҲМАТУЛЛАЕВ

*(110-Хива сайлов округи)*



**1978 йилда Янгиариқ туманида туғилган. Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Урганч давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — қурилиш муҳандиси, иқтисодчи.**

Меҳнат фаолиятини 1997 йилда Хоразм вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасида биринчи тоифали иқтисодчи сифатида бошлаган ҳамда етакчи иқтисодчи, етакчи тафтишчи, бош тафтишчи, бошқарма бошлиғи сифатида фаолият кўрсатган. 2007-2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида етакчи мутахассис, бош мутахассис, бош тафтишчи, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2013 йилдан Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

Мансурбек Раҳматуллаев ЎзХДПнинг иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш ғоясини фаол қўллаб-қувватлаб, уни амалга ошириш юзасидан таклифларини илгари сурмоқда.

— Ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматларга нархларнинг шаклланиши устидан давлат назорати самарадорлигини янада ошириш тарафдориман, — дейди у. —Айниқса, барчамизни бирдек қизиқтирадиган коммунал хизматларнинг нарх ва тарифлари ўсиши ойлик маош, пенсия, стипендиялар ҳамда ижтимоий нафақаларни ошириш кўрсаткичларидан юқори бўлмаслиги зарур.

Шу мақсадда минимал давлат ижтимоий стандартлари — бепул таълим, тиббий ёрдам, уй-жой таъминоти, ижтимоий нафақа ва бошқаларни белгилаш тартибини ишлаб чиқиш ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйиш партиямиз электорати манфаатини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматлар бозорида устун мавқега эга бўлган субъектларнинг монополистик фаолиятини чеклаш самарадорлигини ошириш лозим, деб ҳисоблайман. Монопол корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларга нарх ва тарифлар белгилашда кам даромадли аҳоли қатламларининг тўлов имкониятларини албатта ҳисобга олиш керак. Бундан ташқари, уй-жой ва коммунал хизматлар, ижтимоий инфратузилма объектларидан фойдаланиш ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд, кам даромадли кишилар учун мақбул бўлиши зарур.

## Хайрулла РУЗМЕТОВ

*(111-Шовот сайлов округи)*

**1964 йилда Хива шаҳрида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат юридик университетини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос, юридик фанлари доктори.**

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Ўзгидроводхоз лойиҳа институтида бошлаган ва ёшлар ташкилотида турли вазифаларда ишлаган. 1991-1992 йилларда «Ўртоқ» фабрикаси юристи, 1992-2003 йилларда Тошкент давлат юридик институти аспиранти, ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, доценти, 2003-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (ҳозирги Давлат бошқаруви академияси) докторанти бўлган. Бир вақтнинг ўзида 2004-2010 йилларда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти (ҳозирги Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти) лойиҳа раҳбари лавозимида меҳнат қилган. 2010 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг кафедра мудири.

Илмий-педагогик фаолияти давомида 100 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп ва ўқув-услубий ишлар муаллифи.



У Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда норматив-ҳуқуқий актларни ишлаб чиқиш комиссияси аъзоси ва эксперт гуруҳи раҳбари сифатида фаол иштирок этмоқда. 2013 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатасида кўриб чиқишда масъул бўлди. Бир гуруҳ депутатлар қаторида «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатасига киритди.

Сайловчилари билан 100 дан ортиқ учрашув ўтказди ва улардан тушган 50 дан ортиқ мурожаатларнинг ижобий ҳал этилишига эришди. Умуман, у депутат сифатида катта тажриба тўплади.

— ЎзХДП электорати ҳисобланган аҳолининг ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами ҳаёти даражасини кўтаришнинг энг самарали йўлларидан бири улар ўрта синфга кириши учун кенг шароит яратиб беришдан иборатдир, — дейди у. — Шунинг учун мен кичик бизнес, оилавий тадбиркорликка электоратимиз вакилларини кенг жалб этиш бўйича махсус давлат дастури ишлаб чиқиш бўйича таклифларимни илгари сурмоқчиман. Бунинг натижасида улар нафақат ўзини ўзи, балки оила аъзолари, иш қобилиятига эга бошқа кишиларнинг бандлигини таъминлашга ҳам ҳисса қўшади.

Янги темир йўл қурилиши шарофати билан Тошкентдан Термизгача бўлган масофа уч юз чақиримга қисқарди!

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

# ЙЎЛ СУРУРИ

**Баъзан хизмат юзасидан, гоҳ ўзимча тез-тез сафарга чиқиб тураман. Яқин-узоқ хориж давлатларида, республикамизнинг деярли барча вилоят ва туманларида бўлганман. Менга, айниқса, жонажон юртимиз бўйлаб кезиш алоҳида завқ-шавқ бағишлайди. Чунки сафар баҳона мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқларида амалга оширилаётган ислоҳотларни, бунёдкорлик ишларини ўз кўзим билан кўраман, озодлик, ободлик туйғусини теран ҳис қиламан.**

Йўл азоби — гўр азоби, деган қадимий нақл мавжуд. Уловнинг камёблигидан, йўлларнинг нобоплигидан келиб чиққан бу гап, ҳойнаҳой. Назаримда, ушбу нақл мазмунан анча эскирди. Юқорида таъкидлаганимдек, мамлакатимиз бўйлаб кезган киши бунга амин бўлади. Бир-биридан равон, кенг йўллар, узоқни яқин, оғирни енгил қилувчи турли-туман автоуловлар, ҳар қадамдаги ошхоналар, меҳмонхоналар, бошқа турли-туман маиший-маданий қурилмалар йўловчилар хизматига мунтазир. Йўл юрмоқ — ҳузур қилмоқ, деб юборасан беихтиёр.

Мана яна сафардаман. «Тошкент — Термиз» тезюрар поездининг шинам, замонавий жиҳозланган купесида шериклар билан чақ-чақлашган кўйи мириқиб кетяпмиз. Поезд Деҳқонобод туманининг қир — адирлари аро бормоқда. Ҳадемай Бойсуннинг маҳобатли тоғлари бошланади. Теваракда тонгнинг тиниқ манзаралари. Худди бизни қаршилашга ошиққандек баланд чўққилар ортидан аста-секин қуёш бош кўтармоқда.

Республикамизнинг жанубий икки вилоятини бир-бирига боғловчи, ҳақли равишда «XXI — асрнинг буюк бунёдкорлиги» деб аталадиган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл тармоғи ҳақида кўп ва хўб гапирилган, ёзилган. Етук мутахассислар, олимлар, ижодкорлар ушбу бунёдкорликнинг мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида нечоғлик аҳамият касб этганлиги ҳақида батафсил сўз юритишган. Мана, ҳозир ҳам, Оқробот станцияларидан ўтиб борарканмиз, атоқли адиб Луқмон Бўрихон қаламига мансуб «Темир йўл» романида тасвирланган манзаралар, қаҳрамонлар қиёфаси кўз ўнгимда бир-бир жонланмоқда. Ўзимни ўша қизғин қурилишлар майдонида юргандек ҳис қиламан.

Албатта, ўша суронли, шиддатли бунёдкорлик жараёнлари ортда қолди. Янги темир йўл тармоғи ишга тушиб, ундан бугун поездлар карвони пайдар-пай қатнаб турибди. Бу орада Ўзбекистон темир йўлларида кўпдан-кўп ислоҳотлар амалга оширилди. Соҳага бир-биридан ҳайратомуз янгиликлар, ўзгаришлар кириб келди. Буюк бунёдкорлик ишлари янги куч, янги ғайрат билан бошқа бир маррага кўчди. Яъни, пойтахтни водий вилоятлари билан боғловчи баланд, сервиқор тоғлар аро ўтувчи янги «Ангрен — Поп» темир йўл тармоғи қурилиши ғоят катта илҳом, жўшқинлик билан бошлаб юборилди. Буларнинг барчаси кўнгилларга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Мана, биз ўтирган поезд Дарбанд вокзалига кириб келмоқда. Хаёлимда эса яқин ўтмиш манзаралари бот-бот жонланади. Қандай сермашаққат, оғир кунларни бошдан кечирмадик дейсиз. Сурхондарёга йўл олган поезд қўшни давлат ҳудудидан кесиб ўтишга мажбур эди. Қош-қовоқлари уюлган чегарачилар ҳар хил баҳоналар билан икки-уч соат поездни тўхтатиб қолишарди. Йўловчилар орасида қариялар, болали аёллар, беморлар борлиги ҳеч кимни қизиқтирмасди. Шунинг касридан поезд белгиланган вақтдан ҳийла кечикиб, ниҳоят, Термизга кириб борарди. «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл тармоғи барпо этилиб, халқимиз азоб-уқубатлардан қутулди. Қолаверса, Тошкентдан Термизгача бўлган масофа уч юз чақиримга қисқарди! Йўл азоби йўл сururига айланди! Шу ўринда яна бир гап: янги темир йўл тармоғи билан бирга овлоқ адирлар, тоғу тошлар орасидаги овул-қишлоқларга тараққиёт, янгича турмуш тарзи кириб борди. Мен буни улкан маънавий ҳодиса деб атагим келади. Чунки бир пайтлар чекка ҳудудлардаги аҳоли ўзини анчайин унутилган, камситилган ҳис этарди. Темир йўл барпо этиш баробарида бу гўшаларга кириб келган туб ислоҳотлар маҳаллий аҳоли кўнглидаги эзгинлик ва тушкунлик ўрнига ишонч, қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлади. Буни Деҳқонобод, Бойсун туманларида истиқомат қилувчи кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг мамнуният, қувонч балққан чеҳраларидан ҳам билиб олса бўлади. Мана, Дарбанд вокзалига худди шундай хушкайфиятдаги пойтахт саёҳатидан қайтаётган бир гуруҳ йўловчи тушиб қолди. Тағин бир тўп, замонавий кийимлари ўзларига хўп ярашган, гап-сўзларига қараганда ҳазрати ат-Термизий зиёратгоҳига отланган тоғликлар бизнинг вагонга чиқишди. Вагон кузатувчилари уларни ғоят хушмуомалалик, тавозе билан чипталарида кўрсатилган ўринларга жойлаштирди.



Эҳ, бир пайтлар поездда йўл юриш нақадар сермашаққат эди. Ёзда бамисли ўт қаланган тандир, қишда бамисли музхона вагонларда беҳол, бетоб бўлиб қолардик. Вагон назоратчилари нигоҳида нохуш бир кайфият, гўё унинг хонадонига бемаҳал, берухсат киргансан, хатти-ҳаракатлари баминнат, бамалол. Қаранг, бугун ўша манзаралардан асар ҳам қолмади! Тошкент вокзалига қадам қўйгандан бошлаб кўзлар яшнаб, кўнгиллар қувонади. Ҳар тарафдан замонавийлик, қулайлик, файз, жозиба уфуриб турибди. Айниқса, вагондаги шарт-шароитлар, вагон кузатувчиларининг юксак маданияти, сергаклиги таҳсинга лойиқ. Мана, сафаримизнинг илк дақиқалариданоқ худди шундай икки нафар хушсурат, хушмуомала йигит хизматимизга шай турибди. Гоҳ оппоқ-оҳорли чойшаблар улашиб қолишади, гоҳ таъбингизга қараб чой, қаҳва дамлаб келтиришади. Юз-кўзларидан табассум, самимият сира аримайди. Йўл-йўлакай улар билан танишдик, суҳбатлашдик.

Жамол Жўлдашев Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини аъло баҳолар билан тугаллаган. Таҳсилдан сўнг Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган, ҳозирда вагон кузатувчиси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Унинг ёрдамчиси — Элдор Холбоев ҳам ЎзХДП сафига ўтиш тараддудида экан. У бундан бир йил аввал Миробод туманидаги темир йўл коллежини битирган. Аммо таҳсилни олий ўқув юртида давом эттириш нияти бор. Ёш бўлишига қарамай вагон кузатувчилиги касбини астойдил бажаришга ҳаракат қиляпти.

— Биз сабоқ олган коллеж, у ердаги ўқувчилар ҳамиша «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг диққат-эътиборида, — дейди Элдор Холбоев тўлқинланиб, — коллежда ўқиш, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаш, спорт билан шуғулланиш, дам олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқувчиларнинг эртанги кундан кўнгиллари тўқ. Чунки битирувчилар ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланади. Бундай эътибор, ғамхўрликдан ёшлар жуда мамнун.

— Бизни ушбу йўналишга тайинлашганидан жуда хурсандман, — дейди Жамол Жўлдашев ҳаяжонланиб, — чунки қирлар, тоғу тошлар оралаб ўтган, бизнинг қурувчилар бунёд этган темир йўл тармоғини ўз кўзим билан кўрдим, юрагим фахр-ифтихорга тўлиб-тошди. Шундай шижоатли, бунёдкор темирйўлчиларга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.

Ҳа, боши баланд, кўзлари чақноқ бундай ёшлар билан суҳбатлашиш кишига олам-олам қувонч бағишлайди. Худди эртаклардаги каби бир юмалаб яшариб, улар сафида бўлиб қолгинг келади.

Сафарда ҳикмат кўп, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, шундай. Бутун сафар давомида шаҳару қишлоқларимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўрамиз, келажакка ишонч ва ихлос билан қараётган ёшлар билан суҳбатлашамиз, натижада истиқлол ато этган улуғ неъматни янада теранроқ англаймиз. Кўнгилнинг бир чеккасида милтиллаб турган, ким эдигу ким бўлдик, деган саволга жавоб топгандай бўламиз. Теварак қуёш нурларидан эмас, юракдаги масрурликдан чароғон бўлиб кетади.

**Саидвафо БОБОЕВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

Қаршидаги «Ирода» теннис кортларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма икки йиллигига бағишлаб анъанавий «Ҳавас» турнири ўтказилди. Қашқадарё вилоятидаги турли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ўртасида уюштирилган мазкур мусобақада эллик нафардан зиёд «олтин коптоk» ихлосмандлари ўзаро баҳс юритдилар.

## «Ҳавас» турнири ғолиблари

— Ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу мусобақа бу гал ҳам чинакам байрам тусини олди, — дейди **вилоят ҳаваскорлар теннис федерацияси раиси Зокир Авлиёқулов.** — Учрашувлар асосан жуфтлик йўналишида уюштирилди. Мусобақадан кўзланган асосий мақсад — раҳбар ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, улар орасида дўстона муносабатни мустаҳкамлашдан иборат. Қизиқарли ҳамда кескин кечган баҳслар баҳонасида қатнашчиларга тетиклик ва кўтаринки кайфият бахш этганимиздан хурсандмиз.



Турнир финалида Қарши туманидаги Қоратепа хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи директори Шамиль Адилов ҳамда тадбиркор Ғаффор Ғаффоровлар жуфтлиги адвокат Неъмат Амирқулов — нафақахўр Нарзулло Холмўминовлар «дуэти»ни енгиб, бош совринга сазовор бўлди.

Мусобақа якунида барча ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан кубок, диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

**Суратда:** *«Ҳавас» турнири ғолиблари Шамиль Адилов ҳамда Ғаффор Ғаффоров.*

Реклама

Корхоналар ва ташкилотлар, кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

## Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси

### қуйидаги иншоотларга танлов савдоларини эълон қилади

| т/р | Объект номи | Бошланғич нархи (сўм) | | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚС билан | ҚҚСсиз | |
| Лот-1 | | | | |
| Лот-1/1 | Наманган тумани, Тошбулоқ шаҳарчасидаги Хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи учун 60 ўринли устахона қуриш. | 788 924 939 | 657 437 449 | 210 кун |
| Лот-1/2 | Тўрақўрғон тумани, Шаҳанд қишлоғидаги Хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи учун 60 ўринли устахона қуриш. | 480 265 003 | 400 220 836 | 210 кун |
| Лот-2 | | | | |
| Лот-2/1 | Учқўрғон тумани, Қўғай ҚФЙдаги Агротадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежи ҳудудидаги бинони 90 ўринли устахонага мослаштириб мукаммал қайта қуриш. | 921 294 662 | 767 745 552 | 210 кун |
| Лот-2/2 | Уйчи тумани, Жийдакапа ҚФЙдаги 41-мактабга 210 ўринли бино қуриш билан 360 ўринга мукаммал қайта қуриш. | 748 292 941 | 623 577 451 | 210 кун |
| Лот-3 | | | | |
| Лот-3/1 | Наманган шаҳридаги 49-ихтисослаштирилган мактаб-интернатга 200 ўринли ётоқхона қуриш билан мукаммал қайта қуриш. | 1 896 283 907 | 1 580 236 589 | 210 кун |
| Лот-3/2 | Уйчи тумани, Жийдакапа ҚФЙ ҳудудидаги 14-мактабни 590 ўринга мукаммал таъмирлаш. | 802 611 861 | 668 843 217 | 210 кун |
| Лот-4 | | | | |
| Лот-4/1 | Мингбулоқ тумани, Меҳнатобод ҚФЙдаги 260 ўринли 20-мактабни мукаммал таъмирлаш. | 470 650 708 | 392 208 923 | 210 кун |
| Лот-4/2 | Чуст тумани, Қумариқ қишлоғидаги 120 ўринли 47-мактабни мукаммал таъмирлаш. | 138 885 536 | 115 737 947 | 150 кун |
| Лот-4/3 | Наманган шаҳридаги 15-мактабни мукаммал таъмирлаш. | 1 871 590 028 | 1 559 658 357 | 210 кун |
| Лот-5 | | | | |
| Лот-5/1 | Косонсой тумани, Косонсой шаҳридаги 44-мактабни мукаммал таъмирлаш. | 1 299 391 150 | 1 082 825 958 | 210 кун |
| Лот-5/2 | Наманган тумани, Тошбулоқ марказидаги Педагогика касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш. | 597 536 104 | 497 946 753 | 210 кун |
| Лот-5/3 | Косонсой тумани, Косон ҚФЙ, Олмазор МФЙдаги Педагогика ва сервис касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш. | 1 088 130 883 | 906 775 736 | 210 кун |
| Лот-5/4 | Янгиқўрғон тумани, Шарқ юлдузи ҚФЙ, Барака МФЙдаги 8-мактабни мукаммал таъмирлаш | 526 893 544 | 439 077 953 | 210 кун |
| Лот-6 | | | | |
| Лот-6/1 | Учқўрғон тумани, Қайқи ҚФЙдаги Хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш. | 913 469 960 | 761 224 967 | 210 кун |
| Лот-6/2 | Мингбулоқ тумани Довдук қишлоғидаги касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш. | 887 354 942 | 739 462 452 | 210 кун |
| Лот-6/3 | Чуст тумани, Чуст шаҳри, Ипак йўли кўчасидаги Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш. | 1 252 233 347 | 1 043 527 789 | 210 кун |
| Лот-7 | | | | |
| Лот-7/1 | Чуст тумани, Чуст шаҳридаги 69-мактабни 80 ўринли бино ва 9х18 м. ўлчамли спорт зал қуриш билан 240 ўринга мукаммал қайта қуриш. | 855 557 376 | 712 964 480 | 210 кун |
| Лот-7/2 | Поп тумани, Умрзақов ҚФЙ, Иттифоқ маҳалласидаги 49- мактабни 120 ўринли бино ва 12х24 м. ўлчамли спорт зал қуриш билан 320 ўринга мукаммал қайта қуриш. | 1 327 235 545 | 1 106 029 621 | 210 кун |
| Лот-8 | | | | |
| Лот-8/1 | Наманган тумани, Ирвадон қишлоғидаги 37-мактабни 180 ўринли бино қуриш билан 964 ўқув ўринга мукаммал қайта қуриш. | 1 627 564 979 | 1 356 304 149 | 210 кун |
| Лот-8/2 | Уйчи тумани, Ғайрат ҚФЙдаги 28-мактабни 9х18 м. ўлчамли спорт зал қуриш билан 240 ўринга мукаммал қайта қуриш. | 901 782 931 | 751 485 776 | 210 кун |
| Лот-9 | | | | |
| Лот-9/1 | Тўрақўрғон тумани, Тўрақўрғон шаҳридаги 1104 ўринли 1-мактабни мукаммал таъмирлаш. | 1 415 628 928 | 1 179 690 773 | 210 кун |
| Лот-9/2 | Наманган шаҳридаги 16-мактабни мукаммал таъмирлаш. | 1 651 531 721 | 1 376 276 434 | 210 кун |
| Лот-9/3 | Учқўрғон тумани, Учқўрғон шаҳри, Фарғона МФЙдаги 680 ўринли 42-мактабни мукаммал таъмирлаш. | 761 455 598 | 634 546 332 | 210 кун |

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Тел: (0369) 233-53-78, 233-06-11.

**Лойиҳани молиялаштириш Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

**Диққат!** *Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади: Лот-1/1 Лот-2/1 Лот-2/3, Лот-7/1, Лот-7/2, Лот-8/1, Лот-8/2.*

*500 млн сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади: Лот-1/2.*

*Танлов савдолари (тендерлар) қуйидаги объектлар бўйича фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади: Лот-3/2, Лот-4/1, Лот-4/2, Лот-4/3, Лот-5/1, Лот-5/2, Лот-5/3, Лот-5/4, Лот-6/1, Лот-6/2, Лот-6/3, Лот-9/1, Лот-9/2, Лот-9/3.*

Танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотларнинг иштирок этишига рухсат этилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағ ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур меҳнат ресурслари, мутахассисларнинг мавжудлиги, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қўйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Наманган вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, Тел.факс: (0-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.

**Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 100 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

***Таклифлар матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.***

**ОБ-ҲАВО** 25-26.11 — 2014

**Юртимиз бўйлаб (°C)**

| | | |
|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти** | | |
| -10 / -15 | +3 / -8 | |
| **Бухоро ва Навоий вилоятлари** | | |
| -7 / -12 | -3 / -8 | |
| **Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари** | | |
| 0 / -5 | -2 / +3 | |
| **Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари** | | |
| -2 / +3 | +3 / +8 | |
| **Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари** | | |
| 0 / +5 | 0 / +5 | |
| **Тошкент шаҳри** | | |
| -2 / -4 | 0 / +2 | |



**Дунё бўйлаб (°C)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +9 / +10 |
| Париж | +11 / +12 |
| Москва | -2 / -5 |
| Мадрид | +16 / +13 |
| Пекин | +10 / +9 |
| Канберра | +25 / +22 |
| Рим | +20 / +18 |
| Афина | +12 / +12 |

«Sharq Ayoli» халқаро аёллар жамоат фонди жамоаси фонд маслаҳатчиси **Василя АЛАВУТДИНОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
12068 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 22.15
Topshirilgan vaqti — 02.55
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5